

Фуқароларнинг мурожаатлари ўрганилмоқда



Аҳоли мурожаатларини тинглаш, масъуллар иштирокида ечим топиш мақсадида Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаровнинг навбатдаги фуқаролар қабули бўлиб ўтди.

Масъуллар иштирокида фуқароларнинг моддий ёрдам олиш, ишга жойлашиш, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминоти ва бошқа масалалардаги ўнга яқин мурожаатлари тингланди.

Мазкур қабулда фуқаролар томонидан йўлланган мурожаатларнинг аксарияти шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилган бўлса, вақт ва маблағ талаб қиладиган мурожаатлар алоҳида назоратга олинди ва ижроси бўйича масъуллар бириктирилди.